

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

### ФУТБОЛ РИВОЖИ УЧУН

Президентнинг 2011 йил 19 январдаги ПК-1466-сон қарори билан 2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури маъқулланди. Унда куйидагилар назарда тутилган: янги стадионлар қуриш, фаолият кўрсатаётган стадионларнинг, болалар ва ўсмирлар мактаблари спорт иншоотларини реконструкция қилиш, уларни зарур ускуналар ва анжомлар билан жиҳозлаш; футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ҳамда профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш; тренерлар, ҳакамлар, спорт врачлари ҳамда бошқа мутахассисларни тайёрлаш; мамлакатимиз футболни тўғрисидаги ахборотларни етказиш ва тарғиб қилишни янада такомиллаштириш, футбол мусобақаларини ёритишга ихтисослашган малакали журналистлар, шарҳловчилар, режиссёр ва телеоператорларни тайёрлаш, шунингдек бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган.

### ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН КОМИССИЯ

#### ОЛДИДА ЖАВОБГАРСИЗ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 13-сон қарори билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги янгиланган низом тасдиқланди.

Чунончи, туман (шаҳар) комиссиялари вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан, вояга етмаган шахсни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш бўйича ўз вазифаларини бажаришдан бош тортганлиги; уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатганлиги ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлиги; вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга жалб қилганлиги учун таъсир кўрсатиш чораларини қўллаши мумкин. Комиссиялар шунингдек соғлиқни сақлаш органларига – спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки интеллектуал-ўзини идора қилиш фаолиятига таъсир этадиган бошқа моддаларни мунтазам истеъмол қиладиган вояга етмаганларни даволаш учун; ички ишлар органларига – вояга етмаганлар ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилалар билан яққа тартибда профилактика ишлари олиб боришни ташкил этиш учун юбориш ҳуқуқига эга.

Шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби янгиланди.

### ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ШТАТЛАРИГА ДОИР

Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

лиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 14 январда 2182-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари тасдиқланди.

Улар олий таълим муассасаларининг бюджет маблағлари ва ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлари бўйича 2010 йил учун тасдиқланган штатлар жадвалларида назарда тутилган ходимлар сони доирасида, бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сонига риоя қилган ҳолда жорий қилинади. Айрим олий таълим муассасалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ОУМТВ, МАИМКВ ва МВ билан келишилган ҳолда Намунавий штатларда кўзда тутилмаган лавозимлар, таркибий тузилмалар ва ходимлар сони белгиланиши мумкин.

Намунавий штатларга илова сифатида Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун алоҳида лавозимларни киритиш меъёрлари тасдиқланди.

2011 йил 24 январдан бошлаб кучга кирди.

### ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 17 январда 1303-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда танлов комиссиясини шакллантиришда буюртмачи унинг таркибига буюртмачи, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ТИАИСВ, Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи банкнинг вакилларини киритиши керак.

2011 йил 27 январдан кучга кирди.

### БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ КЎПАЙДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 17 январда 773-29-сон қарор билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, у берилмаётган нақд пул маблағлари ва пластик карточкалар бўйича тўловлар, пул ўтказмалари, давлат божлари, йиғимлари ва солиққа оид бўлмаган тўловлар, маъмурий ва молиявий жарималарни тўлаш бўйича банк операцияларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган ҳисобварақлар билан тўлдирилди.

2011 йил 27 январдан кучга кирди.

### ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИ ҲАҚИДА

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 17 январда 2183-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низом тасдиқланди. У билан айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш ва ёпиш, улар ишини ташкиллаштириш, қатъий ҳисобда турувчи бланкалардан фойдаланиш, айирбошлаш шохобчаларини пул бўнақлари, йўл чеклари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар билан таъминлаш қоидалари, нақд чет эл валютасини сотиб олишга доир операцияларни бажариш ва уларни расмийлаштириш, шунингдек уларни резидентлар ва норезидентларга сотиш тартиби белгиланган.

Хусусан белгиланишича, айирбошлаш шохобчалари жисмоний шахс бўлган резидентларга ҳамда норезидентларга нақд чет эл валютасини нақд кўринишда ёки уларнинг номига очилган халқаро банк карталарига ўтказиб бериш орқали сотади. Шу билан бирга, норезидентларга валюта айирбошлаш шохобчасининг тасдиқловчи маълумотномасини ёки банкомат чекини, шунингдек сўмдаги маблағларнинг қонуний йўл билан олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда сотилади.

2011 йил 27 январдан кучга кирди.

### ТАЛАБАЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 18 январда 2184-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Чунончи, бахтсиз ҳодиса ҳатто таълим олувчининг бир кунлик ўқув машғулотларининг қолдирилишига сабаб бўлса, тегишли далолатнома расмийлаштирилиши керак.

Таълим олувчи билан юз берган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса жабрланувчи ёки унинг ёнида бўлган гувоҳлар томонидан таълим муассасаси раҳбариятига дарҳол хабар берилиши керак. У эса, ўз навбатида, жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши, тегишли комиссия иш бошлагунга қадар ҳодиса жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини сақлаб қолиши, юз берган бахтсиз ҳодиса бўйича дарҳол юқори турувчи муассасага хабар бериши шарт.

2011 йил 28 январдан кучга кирди.

### ИНСПЕКЦИЯНИНГ НОМИ ТЎҒРИ АТАЛДИ

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 19 январда 2022-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2011 йил 15 январдан 21 январгача бўлган 3-сон асосида тайёрланди.

Қонунчиликдаги янгиликлар



Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назорати ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, Қоидаларнинг матнидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг номи мувофиқлаштирилди.

2011 йил 29 январдан кучга кирди.

### DUTY FREE ҚОИДАЛАРИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 21 январда 1317-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди) билан «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, ҳужжатда бож олинмайдиган савдо дўкони икки турга бўлиниши белгиланган:

Ўзбекистон Давлат чегарасини кесиб ўтадиган жисмоний шахслар учун. Бундай дўкон республикага кириб келаётган ва ундан чиқиб кетаётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистонга олиб келинган хорижий товарларни ҳамда республика ҳудудидан чиқадиган товарларни эркин алмаштириладиган валютада сотиш, шу жумладан жойнинг ўзида истеъмол қилиш учун чакана сотишга мўлжалланган;

ТИВда аккредитация қилинган хорижий шахслар учун бож олинмайдиган савдо дўкони. Бундай дўконда хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро ташкилотлар ва уларга тенглаштирилган ушбу ташкилотларнинг ваколатхоналарига, хорижий ходимларига, шунингдек улар билан бирга яшайдиган ва Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланмайдиган, ТИВда белгиланган тартибда аккредитация қилинган уларнинг оила аъзоларига республикага олиб келинган хорижий товарлар шахсий фойдаланиш учун эркин алмаштириладиган валютага сотилади.

Товарларни божсиз олиб киришнинг нормаси ҳамда акциз солиғи ва ҚҚС солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон ташқарисидан олиб кириладиган ва унинг томонидан республикага киришда бож олинмайдиган савдо дўконларидан сотиб олинган товарларнинг жамига нисбатан қўлланилади. Белгиланишича, жисмоний шахслар учун дўконларда товарларни сотиш фақат харидорнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилгандан кейин амалга оширилади. Хорижий шахслар учун дўконларда товарларни сотиш эса фақат ТИВда берилган аккредитация карточкаси тақдим этилгандан кейин амалга оширилади.

2011 йил 31 январдан кучга кирди.

УШБУ СОҒИДА

1-бет

Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

\$1 = 1657,19 сўм

2-3-бетлар

Меҳнат қонунчилигига доир масалалар

€1 = 2273,75 сўм

4-5-бетлар

Саволларга юристлар жавоб беради

£1 = 2673,21 сўм

6-бет

Фамилияни ўзгартириш қоидалари

¥10 = 201,56 сўм



Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ саволларга Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши юридик бўлимининг мудирини Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ жавоб беради.

## ПЕНСИЯГА ЧЕГИРМАЛАРСИЗ КУЗАТИНГ

**Ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганда («пенсияга чиқиш муносабати билан» деган қайд билан) олдиндан берилган таътилнинг фойдаланилмаган кунлари учун иш ҳақидан ушлаб қолинадими? Қандай шароитларда бундай чегирмалар амалга оширилади?**

– Иш ҳақи ишловчилар аксариятининг асосий даромад манбаидир. Шу сабабли меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш ҳақидан ушлаб қолиш учун асосларнинг чекланган рўйхатини белгилайди.

Меҳнат кодексининг (кейинги ўринларда – МК) 164-моддасининг 4-бандида айтилишича, ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, – таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади. Бироқ меҳнат шартномаси МКнинг 89-«Иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи» моддасининг тўртинчи қисмида, 100-«Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш» моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандларида, 106-«Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши» моддасининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек, қонун чиқарувчининг нуқтаи назаридан олганда инobatга олинadиган сабаблар ҳисобланган ўқишга кирганлиги ёки **пенсияга чиққанлиги** муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди.

## ХОҲИШГА ҚАРАБ БЎЛИШ

**Ички меҳнат тартиби қоидаларига таътилларни қисмларга бўлиш талабини киритиш мумкинми?**

– МКнинг 146-моддасига мувофиқ **ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида** таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилнинг бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

**Ички меҳнат тартиби қоидалари** муайян ходимнинг иш берувчи билан келишуви эмас, балки **локал меъёрий ҳужжат ҳисобланиши** сабабли **унга таътилни қисмларга бўлиш тўғрисида қоидаларни киритиш тўғри бўлмайди.**

## ИШГА ЧИҚМАСЛИК ДОИМ ҲАМ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЭМАС

**Корхонанинг ошпази соғлиги ёмонлашгани туфайли йиллик мажбурий тиббий кўрикдан ўтгандан кейин ТНКнинг ишга 3 ой қўймаслик тўғрисидаги қароридан кўчирма тақдим этди. Унга асосан беморни иш жойини сақлаган ҳолда ишдан 3 ойга четлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарилди. Ушбу муддат тугаганидан кейин ходим корхонага қайтиб келмади.**

**У билан тузилган меҳнат шартномасини қандай қилиб бекор қилиш мумкин: прогул қилганлиги (корхонага уч ой тугаганидан кейин қайтиб келмади) учунми ёки соғлигининг ёмонлашган-**

**лиги боисми (ТНКнинг қароридан кўчирмага кўра)? Уни қайси кундан бекор қилиш керак – охириги ишлаган куниданми ёки уч ой ўтгандан сўнгми?**

– МК 218-моддасининг биринчи қисмида белгиланишича, соғлиги ҳолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт. Агар соғлиги ҳолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилса, шундай ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади (МК 218-моддасининг иккинчи қисми).

Бинобарин, агар ходим тиббий комиссиянинг меҳнат шартномасида назарда тутилган иш 3 ой мобайнида ходимнинг соғлиги ёмонлашгани боис унга тўғри келмаслиги тўғрисида хулосасини тақдим этса, иш берувчи у соғлиғига зарар етказмасдан бажара оладиган ишни топиб беришга ҳаракат қилиши керак. Бундай иш бўлмаган ёки ходим унга тўғри келадиган ишга вақтинча ўтказишга ёзма розилик бермаган тақдирдагина ходим ишдан четлатилиши керак (МКнинг 113-моддаси).

Агар ишдан четлатиш муддати тугаган, бироқ ходим ишга чиқмаган бўлса, меҳнат мажбуриятларини бир марта кўпол равишда бузганлик – прогул учун (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди, бундан кейин – 4-банд) у билан меҳнат шартномасини



бекор қилишга шомаслик керак. Шунинг эътиборга олиш лозимки, ушбу асосда меҳнат шартномасини бекор қилишга фақат корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида назарда тутилган меҳнат мажбуриятларини бир марталик кўпол бузишларни (шу жумладан прогул) содир этганлик учунгина йўл қўйилади.

Агар корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари мавжуд бўлмаса, уни тасдиқлашнинг қонун билан белгиланган тартиби (МКнинг 174-моддаси) бузилган ёки қоидаларда бир марта содир этганлик учун ходим билан меҳнат муносабатлари бекор қилиниши мумкин бўлган меҳнат мажбуриятларини кўпол равишда бузишларнинг рўйхати келтирилмаган бўлса, ходим билан меҳнат шартномасини 4-банд бўйича бекор қилишга йўл қўйилмайди. Агар ушбу рўйхатда ходим билан меҳнат шартномасини прогул учун бекор қилиш мумкинлиги на-

зарда тутилган бўлса, ушбу ҳолда ҳам, агар қоидалар ходимнинг ишда узрли сабабларсиз бўлмаган қайси даврини (иш куни, 3 соатдан кўп ва ҳоказо) прогул деб эътироф этилишини белгиланган тақдирдагина прогул учун ишдан бўшатиш мумкин.

Прогул деб ишда ҳар қандай ҳозир бўлмаслик эмас, балки узрли сабабларсиз бўлмаган пайтгина эътироф этилиши сабабли иш берувчи ходимнинг нега ишда бўлмаганлиги сабабини аниқлаши керак. Зеро, ишда ҳозир бўлмаслик сабабини узрли деб топган тақдирда суд меҳнат шартномасини 4-банд бўйича бекор қилинишини ноқонуний деб билади ва ходимнинг ишга тиклашлари тўғрисидаги талабини қаноатлантиради.



Бинобарин, ходим билан меҳнат шартномасини прогул учун бекор қилишдан аввал у ишда узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Агар ходим меҳнат шартномасини 4-банд бўйича бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кунда ишламаган бўлса, у билан меҳнат муносабатлари ишга чиқилмаган биринчи кундан бошлаб бекор қилинади.

Меҳнат шартномасини «ходимнинг соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши» (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди) бўйича бекор қилишга шошилиш ҳам мумкин эмас. Тиббий хулосага мувофиқ ходим бошқа ишга 3 ой муддат билан вақтинча ўтказишга ёки доимий ўтказишга муҳтож бўлган, бироқ у бундай ўтказишдан бош тортадиган ёки иш берувчида тегишли иш мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу асосга кўра меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Саволдан кўринадики, бундай тиббий хулоса иш берувчига тақдим этилмаган, шу боис унда ходим билан меҳнат шартномасини МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига мувофиқ бекор қилиш учун асос мавжуд эмас.

Шу сабабли **меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласини ҳал қилишдан аввал иш берувчи ходимнинг ишда ҳозир бўлмаганлиги сабабларини аниқлаши лозим.**

## ЎРИНДОШ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

**МКнинг 109-моддасига кўра, ходимлар штати қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш кунидан иш берувчи ходимга ишдан бўшатиш нафақасини тўлаши шарт. Айтиш шу нафақа ишга жойлашиш даврида ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобланадими? (Мен ишдан бўшагандан кейинги дастлабки ойни назарда тутяпман).**

**Агар ходим ўриндош ҳисобланса, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди бўйича ишдан**

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	10.02.2011	1	0,7956	1	1,0903	1	0,0272
Арманистон	10.02.2011	1	363,75	1	495,79	1	12,39
Беларусь	11.02.2011	1	3010	1	4110,76	1	102,54
Грузия	11.02.2011	1	1,7798	1	2,4289	1	6,0633
Қозоғистон	11.02.2011	1	146,41	1	199,73	1	4,98
Қирғизистон	11.02.2011	1	47,4281	1	64,6701	1	1,6123
Латвия	11.02.2011	1	0,513	1	0,702804	1	0,0175
Литва	11.02.2011	1	2,524	1	3,4528	10	8,5975
Молдова	11.02.2011	1	12,0268	1	16,4076	1	0,4096
Тожикистон	11.02.2011	1	4,4029	1	6,0324	10	1,5167
Ўзбекистон	08.02.2011	1	1657,19	1	2273,25	1	56,34
Украина	10.02.2011	100	794,3	100	1083,9812	10	2,7108
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

### ✓ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Пенсияга чегирмаларсиз кузатинг

– Хоҳишга қараб бўлиш

– Ишга чиқмаслик доим ҳам ҳуқуқбузарлик эмас

– Ўриндош қисқартирилди

– Учинчи ой ишсиз бўлса

– Прогул компенсацияланмайди

– Яхшилашга рози

– Директорни ким ишга қабул қилади?

### ✓ ХҲЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– Улушни қандай қилиб ўзгартириш керак?

– Ўз маҳсулотимизни ташиймиз

### ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Корхонада юрист бўлиши шартми?

– МЧЖ шаклидаги шўба жамият

– Панд берувчи қилмиш

– Паспортда штамп қўйдирмасдан фамилиямни ўзгартирмоқчиман

✓ топ

1-бет

2-3-бетлар

4-бет

5-6-бетлар

7-8-бетлар



## Кадрлар бўлими

**бўшатишдан кейинги иккинчи ой учун ишга жойлашиш давридаги ўртача ойлик иш ҳақини тўлаш керакми? Ахир у ишга жойлашган бўлади-ку?**

– Ишдан бўшатиш нафақаси – иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси (шу жумладан ходимлар сони (штати) ўзгаришига ёки ишларнинг хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлаб чиқариш ва меҳнат технологиясини, уларни ташкил этишни ўзгартириш ёки корхонани тугатиш муносабати билан) бекор қилинган кунда ходимга тўланадиган пул суммасидир, бундан шартномани ходим ўзининг меҳнат мажбуриятларини бузиши муносабати билан бекор қилиш мустақно. Нафақанинг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

МКнинг 67-моддасига кўра, ходимларнинг иш излаш даврида ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, бироқ у 2 ойдан ошмаслиги керак, башарти у билан меҳнат шартномаси юқорида айтилган асосларга кўра бекор қилинган бўлса (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди). Ишга жойлашиш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг сақланиши, бироқ унинг ишдан бўшаш кунидан бошлаб 2 ойдан ошмаган ҳолда бўлиши (ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган тарзда), агар ходим бошқа ишга жойлашмаган бўлса, ўртача иш ҳақи ходим ишдан бўшаган пайтдан бошлаб тугаган иккинчи ой учун тўланади.


Ишдан бўшатиш нафақаси барча ишдан бўшатишган ходимларга улар ишдан бўшаш билан дарҳол, улар ўзларига янги иш топган ёки топмаганлигидан қатъи назар, тўланади. Агар ходим ишдан бўшатишдан кейин дарҳол ишга жойлашган бўлса, нафақа ишдан бўшатиш далилининг ўзи учун тўланади ва қўлдан кетган иш ҳақини компенсациялаш ҳисобланмайди, чунки ходим янги иш берувчидан иш ҳақи ола бошлайди. Бироқ агар у ишдан бўшагандан кейин дастлабки ой мобайнида ишга жойлаша олмаган бўлса, ишдан бўшатиш нафақаси унга дастлабки ой иш излаши мобайнида брой берилган иш ҳақини компенсациялайди. Фуқаро ишдан бўшатишдан кейин иккинчи ой учун, бошқа ишга жойлаша олмаганлиги сабабларидан қатъи назар, ўртача иш ҳақини олиш ҳуқуқига эгадир.

**Ўриндошларга ташкилотнинг тугатилиши ёки унинг ходимлари штати қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда фақат ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Унга ишдан бўшатишдан кейинги иккинчи ой учун ўртача иш ҳақи тўланмайди**, чунки унинг тўланиши ишга жойлашиш далилига боғлиқ, ўриндош эса асосий ишида ишлашни давом эттиради.

### Учинчи ой ишсиз бўлса

**Ходим штатларнинг қисқаришига кўра ишдан бўшатишган, унга 2 ой учун нафақа тўланди. Ходим учинчи ой учун пул тўлашни талаб қилди. МКнинг 67-моддаси ўртача ойлик иш ҳақини маҳаллий меҳнат органининг қарори бўйича учинчи ой мобайнида сақлашни назарда тутди. Ходимнинг ушбу органда ҳисобда турганлиги тўғрисида маълумотнома мавжуд.**

– Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидираётган шахс сифатида рўйхат-



дан ўтса, меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади (МК 67-моддасининг учинчи қисми). Бундай ҳолда у аввалги иш жойидан учинчи ой учун ҳам ушбу меҳнат органи берган маълумотнома бўйича, агар ишга

жойлашмаган бўлса, ўртача иш ҳақини олишга ҳақлидир. Иш берувчи уни паспорт, меҳнат дафтарчаси ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказининг маълумотномаси тақдим этилганида тўлайди.

### ПРОГУЛ КОМПЕНСАЦИЯЛАНМАЙДИ

**МКнинг 143-моддасига мувофиқ ходимда дастлабки йил ишлагани учун таътилдан фойдаланиш ҳуқуқи узлуксиз 6 ой ишлагандан кейин юзага келади. МКнинг 151-моддасига кўра, ишдан бўшаганда ходимга фойдаланилмаган барча таътиллار учун пуллик компенсация тўланади.**

**Қуйидаги ҳолларда:**

1) ходим 3 ой ишлаган ва ўз хоҳиши бўйича ишдан бўшаш тўғрисида ариза берганда;

2) ходим 3 ой ишлаган ва МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди бўйича прогул учун ишдан бўшатишганда таътил учун компенсация тўланадими?

– Фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун компенсация олиш ҳуқуқи МК 151-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган. Шу тариқа, ходим қандай асосга кўра ишдан бўшатишганидан қатъи назар, унга фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация тўланиши керак.



**Прогул қилиш уни ана шу ҳуқуқдан маҳрум қилмайди.**

Агар ишланадиган йилда ходим тўлиқ ишламаган бўлса, компенсация тўланиши керак бўлган таътил кунлари ишланган ойларга мутаносиб равишда ҳисобланади. Таътиллار муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, ўн беш календарь кундан кам эса чиқариб ташланади (МКнинг 141-моддаси).

Мазкур мисолда ходим 3 ой ишлаган. Агар унга муддати 18 иш кунидан иборат таътил белгиланган бўлса, компенсация 4,5 кун учун тўланиши керак:

$$18 \text{ кун} / 12 \text{ ой} \times 3 \text{ ой} = 4,5 \text{ кун.}$$

Агар унинг таътили муддати 24 иш кунини ташкил қилса, компенсация таътилни 6 кунга учун тўланиши керак:

$$24 \text{ кун} / 12 \text{ ой} \times 3 \text{ ой} = 6 \text{ кун.}$$

Агар прогул узок давом этса, ходим содир этган прогул компенсация миқдорига таъсир этиши мумкин. МКнинг 142-моддасига кўра, йиллик асосий таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига ходимнинг узрли сабабларсиз ишда бўлмаган вақти киритилмайди. Яъни ходим 3 ойнинг бир ойида прогул қилган бўлса, унга пуллик компенсация фақат 2 ойлик иш учун тўланади.

### ЯХШИЛАШГА РОЗИ

**Ишлаб чиқариш зарурати боис штатлар жадвали ўзгаряпти. Ходимларни меҳнат шартномасининг мажбурий шартлари ўзгариши тўғрисида 2 ой олдин огоҳлантирмасдан, меҳнат шартномасига қўшимча битимни имзолаш ва уларни бошқа лавозимларга ўтказиш ёки штатлар жадвали ўзгарган санадан кейинги санадан бошлаб бошқа маошларни белгилаш мумкинми?**

– Саволингизга батафсил жавоб беришнинг илоҳи бўлма-са керак. Штатлар жадвалини ўзгартириш меҳнат шарт-

\*Муассислар йиғилиши баённомасининг намунаси [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида жойлаштирилган.

номасининг мажбурий шартларини ўзгартириш билан ҳам, штатни қисқартириш тадбирлари билан ҳам боғланган таомил учун асос бўлиши мумкин. Масалан, бунда штатлар жадвалидан баъзи лавозимлар чиқариб ташланиши ва бошқалари жорий этилиши мумкин. Штатларни ўзгартириш натижасида баъзи таркибий бўлинмалар базасида янгилари шаклланади ва бошқа амаллар бажарилади, шу тариқа корхонада ишлар қайта ташкил этилади. Бу ҳолда ташкилот штатини қисқартириш тўғрисида сўз боради.

Бироқ агар иш берувчи бир вақтнинг ўзида барча ходимлар билан меҳнат шартномаларининг шартларини ўзгартириш имкониятига эга бўлса, МКнинг 92-моддаси бунга имкон беради. Меҳнат шартномасига ўзгартишларни тарафларнинг битими билан киритиш мумкинлиги боис, ходимни бошқа ишга ўтказиш ёки унинг лавозим маошини ўзгартириш тақиқланмайди. Бироқ бунда шуни назарда тутиш лозимки, меҳнат шартномасининг шартларини шу тариқа ўзгартириш ходимнинг аҳолини ёмонлаштирмаслиги ва қонун талабларини бузмаслиги керак.

### ДИРЕКТОРНИ КИМ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ?

**Ким директор билан тузиладиган меҳнат шартномасини имзолайди ҳамда уни ишга тайинлаш тўғрисидаги буйруқни ким чиқаради ва имзолайди?**

– Ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномасини иш берувчи номидан бунга тегишли ваколат олган шахс имзолайди. Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда яқкабошчи ижро этувчи орган функциясини амалга оширадиган ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқи таъсис ҳужжатлари ёки локал меъёрий ҳужжат билан белгиланиши мумкин.

Одатда уни юридик шахснинг ваколатли органи томонидан қабул қилинган лавозимга сайлаш (тайинлаш ёки тасдиқлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш\* ва меҳнат шартномасини имзолашдан кейин ташкилот раҳбари ўзининг лавозимга киришганлиги тўғрисида буйруқни (фармойишни) ўзи расмийлаштиришга мажбур. У барча ходимларни муайян календарь санасидан бошлаб ўзи билан тузилган меҳнат шартномасининг шартларига мувофиқ юридик шахснинг ваколатли органи қабул қилган қарорни бажариш учун мажбуриятларини бажаришга киришганлигидан хабардор қилади.

#### -сон БУЙРУҚ

2011 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ Тошкент ш.  
2010 йил 10 июндаги (корхонанинг ташкилий шакли ва номи)ни барпо этиш тўғрисида таъсис ҳужжатларига (шартнома, Устав) мувофиқ МЧЖ муассисларининг 2011 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги йиғилиш баённомасига ва мулкдор билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ 2011 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ дан бошлаб барча тегишли ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ва корхонанинг штат жадвалига биноан ҳақ олиш ҳуқуқи билан корхона раҳбарининг мажбуриятларини бажара бошлайман.

Асослар:

- 2011 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги меҳнат шартномаси.
- 10.06.2010 йилдаги 734-сон юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси.
- МЧЖ муассисларининг 2011 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги йиғилиши баённомаси.

Корхона раҳбари \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
(имзо)





**?** Масъулияти чекланган жамият таркибидан устав фондидаги улуши 40% бўлган иштирокчи чиқяпти. МЧЖнинг қолган иштирокчилари унинг улушини қуйидагича тақсимлашга қарор қилдилар: биринчи иштирокчининг улуши 30%дан 60%га, иккинчи иштирокчининг улуши эса 30%дан 40%га оширилади.

Ушбу ҳолда устав фонди уставда назарда тутилган миқдорда қолиши учун қолган иштирокчилар унга қўшимча пул ҳиссаларини киритишлари лозимми ёки уларнинг янги улушларини қайд этиш кифоя қилади?

Чиқиб кетган иштирокчининг улушини жамиятнинг қолган иштирокчилари ўртасида тақсимлаш қандай расмийлаштирилади? МЧЖ муассиси.

## УЛУШНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК?

– Пул ҳиссаларини киритиш талаб қилинмайди. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш етарлидир. Бироқ чиқиб кетган иштирокчининг улуши жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасида уларнинг МЧЖ устав фондидаги ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади, бу эса кўриб чиқилаётган вазиятда ҳисобга олинмаган.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошига мувофиқ, жамият иштирокчиси жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, МЧЖ тўғрисидаги Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш ҳуқуқига эга.

МЧЖ тўғрисидаги Қонун 22-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, иштирокчи чиқиб кетганида жамиятнинг ўзи унинг ўз устав фондидаги улуши эгасига айланишига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Улушнинг кейинги тақдирини қандай бўлади? Амалдаги қонунчилик жамият бундай улушни уч усул билан тасарруф этиши мумкинлигини назарда тутди (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 23-моддасининг иккинчи қисми):

чиқиб кетган иштирокчининг улушини қолган иштирокчилар ўртасида уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимлаш;

уни бошқа иштирокчиларга ёки, улар рад этган тақдирда, учинчи шахсларга сотиш;

устав фондини улуш қиймати миқдорига камайтириш.

Биз кўриб чиқаётган вазиятда жамият биринчи усулни қўллашга қарор қилган. Чиқиб кетган иштирокчининг улушини қолган иштирокчилар ўртасида тақсимлаш улар улушларининг миқдорини оширади, бироқ умуман жамият устав фондининг миқдорини ўзгартиришга олиб келмайди. Қолган иштирокчилар МЧЖга қўшимча ҳиссалар киритишлари ёки тегишли компенсация тўлашлари керак эмас, чунки улар улушлари миқдорининг кўпайиши жамият ҳисобига юз беради.

Бундан ташқари, МЧЖ тўғрисидаги Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, иштирокчи жамиятдан чиққан тақдирда жамият унинг улушини қолган иштирокчиларнинг барчаси ўртасида уларнинг устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимлаш керак. Кўриб чиқилаётган вазиятда тақсимлаш мутаносиб равишда бажарилмаган ва тегишинча қонун ҳужжатларига зиддир. Чиқиб кетган иштирокчининг 40 фоизлик улушини қолганлар ўртасида тенг (яъни 20%дан) тақсимлаш тўғри бўлади, чунки уларнинг улушлари тенг (30%дан). Натижада жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори 50%га оширилади, бу эса жамлиқда жамият устав фондининг 100%ини ташкил қилади.

Кўриб чиқилаётган вазиятда: иштирокчининг жамиятдан чиқиб кетиши муносабати билан муассислар таркибининг;

чиқиб кетган иштирокчининг улушини тақсимлаш натижасида қолган иштирокчилар улушлари миқдорининг ўзгаришини тўғри расмийлаштириш зарур.

Иштирокчилардан бирининг жамиятдан чиқиши муносабати билан иштирокчилар таркибини ўзгартириш, унинг улушини тақсимлаш ва таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор умумий йиғилиш баённомаси билан расмийлаштирилиши керак. Эслатиб ўтамиз, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) 33-банди билан муассислар (иштирокчилар) таркиби ўзгарган тақдирда таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун муддат (7 иш куни) белгиланган. Рўйхатдан ўтказиш органига ўзлари келиб ёки почта алоқаси орқали қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза; жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси; ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси; давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банкнинг тўлов ҳужжати.

Одатда жамият иштирокчилари таркибига ва улар улушларининг миқдорларига доир ўзгартиришлар бир вақтда киритилади, чунки улар ўзаро боғлиқдир.

Агар иштирокчилар улушни бошқача тарзда, масалан, 60:40% кўринишида тақсимлашни хоҳласалар, Қонун қуйидаги имкониятни назарда тутди – улуш барчага ёки жамиятнинг баъзи иштирокчиларига сотилиши мумкин. Бунда нафақат бутун улушнинг, балки унинг бир қисмининг ҳам бошқаларга сотилишига йўл қўйилади. Улушни учинчи шахс ҳам харид қилиши мумкин (агар жамиятнинг уставида бундай имконият таққиланмаган бўлса). Тегишли қарор қабул қилиниши жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлар доирасига киради.

Умумий қоидага кўра улушнинг ўтиши оддий ёзма шаклда олди-сотди шартномасини тузиш йўли билан амалга оширилади. Бироқ шартномага имзо чекишдан аввал, жамият уставида улушнинг ўтиши тўғрисида шартнома тузилишини нотариал тасдиқлаш назарда тутилган-тутилмаганлигини текшириш зарур. Акс ҳолда мазкур шаклга риоя этилмаган тақдирда битим ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

## ХУСУСИЙ КОРХОНАГА ЎЗ БИНОСИ БИЛАН


**?** Мен яшаш учун мўлжалланмаган бино эгасиман. Қандай қилиб хусусий корхона очиш ва ушбу бинони унинг балансига бериш мумкин? Корхона тугатилган тақдирда мен киритилган хусусий мулкни қайтариб олиш имконига эга бўлманми? Бунинг тартиби қандай бўлади?

С.Курбонов,  
Фарғона вилояти.

– Хусусий корхона барпо этиш учун мулкдор қарор қабул қилиб, унда, хусусан, уставни тасдиқлайди, устав фондига берилаётган мол-мулкнинг таркиби ва қийматини белгилайди. Киритилаётган мол-мулкни у мустақил равишда баҳолаши (2003 йил 11 декабрдаги «Хусусий корхона тўғрисида» 558-II-сон Қонун 12-моддасининг иккинчи қисми) ёки баҳоловчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланиши (1999 йил 19 августдаги «Баҳолаш фаолияти тўғрисида» 811-I-сон Қонун) мумкин. ХКни рўйхатдан ўтказиш учун туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекцияга мурожаат қилиш лозим. Унинг тартиби ва зарур ҳужжатларнинг рўйхати Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) ва Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова) назарда тутилган.

Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилганидан ва унинг балансига кўчмас мулк объекти қабул қилиниши расмийлаштирил-

ганидан кейин (қабул қилиш-топириш далолатномаси ва асосий воситалар объектини ҳисобга олиш



инвентарь карточкаси тузилади) бинога мулк ҳуқуқининг жисмоний шахсдан юридик шахсга ўтишини рўйхатдан ўтказиш зарур (Фуқаролик кодексининг 84-моддаси). Бунинг учун Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг рўйхатдан ўтказиш идорасига мурожаат қилиш лозим (ВМнинг 1997 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғри-

сида» 278-сон қарори 3-банди). Рўйхатдан ўтказиш тартиби ва зарур ҳужжатларнинг рўйхати Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома (Ергеодезкад-трдавқўм, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Макроиқтисодиёт стат вазирлиги, Давархитект-курилишқўм, Давмулкқўм томони-

дан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган.

**Хусусий корхона тугатилган тақдирда мулкдор ХКнинг устав фондида қўйилган кўчмас мулкни, агар кредиторлар билан ҳисоблашишлардан сўнг мазкур мол-мулк қолган бўлса, ўз номига қайта расмийлаштириши мумкин.** Белгиланган тартибда тугатиш таомилларидан ўтиш чоғида қабул қилган кўчмас мулк объектининг ўзига берилиши тўғрисидаги қарорига асосан\* мулкдор ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича ҳудудий бошқарманинг рўйхатидан ўтказиш офисига бинога мулк ҳуқуқининг ўзига ўтишини рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилади.


## ЎЗ МАҲСУЛОТИМИЗНИ ТАШИЙМИЗ

**?** Калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси тасарруфида корхона мулки ҳисобланган юк ташувчи транспорт воситалари мавжуд. Корхонамиз ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотларни, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган хом ашё, ускуналар ва эҳтиёт қисмларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш учун лицензия олиши зарурми?

Ж.Ражабов,  
бош директор.

– Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича та-

шиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига 1-илова) 2-бандига биноан,



тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланиши керак.

Юкларни корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун ташишда (хом ашёни ишлаб чиқариш учун, ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш пунктларига ёки сотувчининг ўз кучлари ва маблағлари билан етказиб бериш мажбуриятини назарда тутадиган олди-сотди шартномалари бўйича бевосита харидорларга етказиб бериш ва ҳоказо) қонунчилик лицензия олишни талаб қилмайди.

Агар юкларни ташиш тадбиркорлик фаолиятининг мустақил тури сифатида амалга оширилса, лицензия олиш лозим.

Артём МОКШИН,  
«Norma» МЧЖ эксперт-юридик хизмати бошлиғи.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

### КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:


Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz



## КОРХОНАДА ЮРИСТ БЎЛИШИ ШАРТМИ?

**?** Ташкилот штатида ёки штатдан ташқари юрист (ҳуқуқий маслаҳатчи) бўлишига мажбур эстадиган қонун ҳужжати (қарор, буйруқ, низом ва ҳоказо) мавжудми ёки бундай ходимсиз ишлаш мумкинми?  
МЧЖ маъмурияти.

– Амалдаги қонунчилик тижорат ташкилотлари учун ҳуқуқий маслаҳатчи (юрисконсулт) штат бирлигига эга бўлиш мажбуриятини назарда тутмай-Бироқ фаолиятни умуман юридик кузатувсиз олиб боришнинг имкони бўлмайди. Кам деганда ҳўжалик шартномаларининг лойиҳаларини тузиш олдидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги борасида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан текширилиши ва визаланиши керак. Агар шартноманинг суммаси ЭКИХнинг 200 бараваридан ошса, унга ёзма хулоса берилиши керак (1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» 670-сон Қонуннинг 21-моддаси). Бу – мажбурий шарт. Қонун ҳўжалик шартномаларини юрист визаси (юридик хулоса)сиз тузишни ман этади.



Ҳар қандай ҳолда корхонада юрист бўлиши объектив заруратдир, чунки малакали юридик қўллаб-қувватлаш фаолиятининг қонунийлигини таъминлайди ва ҳар қандай бизнесни ҳуқуқий жиҳатдан ишончли ҳимоялайди. Шу сабабли субъект ўз штатида юристга эга бўлишга ёки адвокатлик тузилмаси билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишга ҳақлидир.

**Артём МОКШИН,**  
«Норма» МЧЖнинг юридик мавзудаги эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш бўлими бошлиғи.

**?** Масъулияти чекланган жамиятимиз шўба ташкилотни (шўба ҳўжалик ташкилотини) ҳам МЧЖ шаклида тузмоқчи бўлди. Бироқ рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилганимизда бизга кўрсатилган номдаги жамиятни рўйхатдан ўтказиб бўлмайди, чунки шўба ҳўжалик жамияти айна юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланишини айтишди. Бизга номланишда «масъулияти чекланган жамият» сўзларисиз фақат «Шўба ҳўжалик жамияти» ёки «Шўба жамият» сўзларини қолдиришни тавсия қилишди.

Бизнинг фикримизча, рўйхатдан ўтказувчи органнинг нуқтаи назари фуқаролик қонунчилиги талабларига мувофиқ келмайди. Сизлардан юзага келган вазиятга ойдинлик киритишни ва «шўба ҳўжалик жамияти» ташкилий-ҳуқуқий шакл ҳисобланадими деган саволга жавоб беришни илтимос қиламиз.

Газетхон.

## МЧЖ ШАКЛИДАГИ ШЎБА ЖАМИЯТ

– Фуқаролик кодекси (бундан кейин – ФК) 40-моддасининг иккинчи қисмида тижорат ташкилотларининг батафсил рўйхати келтирилган. Уларга ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхоналар киради.

Ҳўжалик жамияти шўба жамият ҳисобланиши ҳолати мазкур ҳўжалик жамиятининг

аломатларидан биридир. ФК 67-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар бир (асосий) ҳўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи ҳўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи ҳўжалик жамияти томонидан қабул

## ЛИМИТСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР

**?** Корхонамизнинг асосий фаолият тури умумий овқатланиш ҳисобланади. Яқин вақтгача биз банкдан бозорда маҳсулот харид қилиш учун тушумнинг 50%ини олар эдик. Ҳозирда эса биз корпоратив пластик картчани жорий этдик. Ундан фойдаланганда ҳам лимитнинг 50%ига асосланишимиз керакми ёки озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга кўпроқ маблағни сарфласа бўладими? Зеро, агар кўпроқ сарфлаш имконияти мавжуд бўлса, устамани камайтириш, бинобарин, нархларни пасайтириш мумкин.

**В.Бекирова,**  
бош бухгалтер.

– Юридик шахслар корпоратив банк карталарини ишлатган ҳолда товар учун амалга оширган ҳисоб-китоблари нақд пулсиз ҳисоб-китобларга тенглаштирилади (Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг<sup>1</sup> 45-банди).


Юридик шахсга банк томонидан берилган корпоратив банк картаси унинг сақловчисига карта

ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини беради (Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом<sup>2</sup> 1-бандининг «а» кичик банди, бундан кейин – 1470-сон Низом).

<sup>1</sup>МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 26 октябрда 1518-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>3</sup>ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.



Унинг ёрдамида юридик шахснинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти учун зарур бўлган, Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда<sup>3</sup> назарда тутилган товарлар, ишлар ва хизматларга (ёзув-чизув қуроллари, корхона автотранспорти учун бензин, телефон алоқаси, шу жумладан уяли алоқа, меҳмонхоналар хизматла-

ри, хизмат сафари харажатлари, авиачипталар ва ҳоказо) нақдсиз шаклда ҳақ тўлаш мумкин.

Корпоратив банк карталари воситасида нақд пул берилишига йўл қўйилмайди (1470-сон Низомнинг 11-банди).

Корпоратив пластик картчадаги пул маблағларини сарфлашга лимит қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Бинобарин, сиз унинг ёрдамида маҳсулотга ҳақ тўлаётганда 50%лик лимитга амал қилишингиз шарт эмас.

**Елена ЕРМОХИНА,**  
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

### Реклама

**NORMA**  
Эксперт маълумотнома тизими

## КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

## ПАНД БЕРУВЧИ ҚИЛМИШ ёки НАЙРАНГБОЗЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Мураккаб, долғали давримизда автомобили бор ҳамшаҳарларидан пул ундиришининг ўзига хос усулини ўйлаб топган уйдабурон пиёдалар ҳам кўпайиб бормоқда. Ана шу мақсад йўлида улар ўз соғлиқлари, ҳатто ҳаётларини таҳдид остига қўйишдан ҳам тап тортмайдилар – йўлларда хатарли вазиятлар келтириб чиқариб, тариқча ҳам айби бўлмаган ҳайдовчилар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларини не кўйларга туширмайдилар дейсиз?!

Зўр бўлмаса ҳам ҳар қалай хорихда ишлаб чиқарилган ўз автомобилнингизда муайян юмуш билан кетмоқдасиз деб бир тасаввур қилайлик. Чорраҳага яқинлашиб чап тарафга бурилиш учун машинани чапроққа олиб тезликни пасайтирасиз. Ёнгангизда узунасига бетон тўсик. Унга устбошига қараб бўлмайдиган бир эркак чиқиб олган. У жойидан силжимамай турганлиги сабабли тезликни янада пасайтириб, ҳаракатланишда давом этасиз ва бурилишга тайёрланасиз. Шу чоғ ҳалиги эркак бир сакраб, машинангизга урилади. Машина капотида залвори билан тушганлиги устига олд ойнага зарб билан урилиб, унда ажинсимон «гул» ҳосил қилади. Юрак ҳовуч-

лаб қолганлигингиз ҳам майли... Машинадан отилиб чиқиб, узала тушиб ётган ҳалиги кимсадан ахволини сўрайсиз, қаттиқ шикастланган-шикастланмаганлигига қизиқасиз, «тез ёрдам» керак эмасми деб сўрайсиз. Шунда ҳалиги одам ўдағайлашга тушади, муштарини ишга солади, сўқиниб сизни бор овоз билан айблаб бошлайди. Бу машама маънавий зарар учун ҳақ тўлаш ва даволанишга пул бериш талаби билан тугайди. Табиийки, у мўмайгина пул сўрайди.

Ҳақ эканлигингизга ишониб, милиция ходимларини чақирсангиз – ютуқ сизники. Лекин баъзи ҳайдовчилар бундай вазиятда сўралган пулни (ёки бироз тортишиб айтганидан камроқ бўлса ҳам ҳар қалай


каттагина пулни) тўлаб қўя қолишни маъқул кўришади.

Бундай фирибгарларга йўлиққан автомобилларнинг айримларинингиз бизга экспертиза учун олиб келишади. Шу хил автомашиналарнинг бир нечасини текширишимга тўғри келган, бунда излар ҳамда автомобилдаги ва жабрланувчи деб аталмиш кимсанинг кийимидаги шикаст аломатлари асосида уни ҳақиқатда машина уриб кетганми ёки йўқми деган масалага ойдинлик киритганман. Зарур белги-аломатларини топиб, текшириладиган автомобиль пиёдали уриб юбормаганлиги, балки пиёда автомобилнинг устига юқоридан сакраб тушганлиги ҳақида ўз хулосамни берганман. Ҳамкасбларим ҳам шундай «уриб юбориш»га оид ишлар бўйича экспертиза ўтказишган. Уларнинг натижалари асосида «жабрланувчилар»нинг даъволари, табиийки, асоссиз деб топилган ва рад этилган.

Катта йўлларда фирибгарлик-

ни касб қилиб олганларга оддийгина ҳақиқатни эслатиб ўтишни истардим: ишлаб чиқарувчилар қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳар қандай автомобиль барибир хавфхатар манбаи бўлиб қолаверади. Биомеханика қоидаларини инобатга олган ҳолда автомобиль кузовининг олд қисми тузилиши ўзгартирилган тақдирда ҳам кам жароҳат етказилишини айтмаса, у барибир таҳлика ва хавф-хатар манбаи бўлиб қолаверади. Унча катта тезликда келмаётган автомобилнинг устига ўзини ташлаш ёки сакраш оқибатида ҳам одам қаттиқ шикастланиши, суяк синиши, ички аъзолари ёрилиши мумкин. Бош миянинг чайқалиши автомобиль уриб кетиши билан боғлиқ барча ҳолларда учрайди ҳисоб. Энг оғир ҳолларда айнан бош мия жароҳати автомобиль уриб (туртиб) кетишидан жабрланган пиёдаларнинг ўлимига сабабчи бўлади.

Наҳотки, қанчадир миқдордаги пулга эга бўлиш имкониятини деб



одам шундай таваккалчиликни танласа?! Боз устига ҳайдовчи бир сўзли, ўжар бўлиб, милиция чақирамиз деб туриб олса, «жабрланувчи»дан йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, авария ҳолати келтириб чиқарган айбдор бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмаску, ахир!

**Ольга МАРШАНСКАЯ,**  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказининг катта илмий ходими.



# ПАСПОРТДА ШТАМП ҚЎЙДИРМАСДАН ФАМИЛИЯМНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИМАН



**Паспортдаги отамнинг исми ва миллатимни ўзгартирмоқчиман. Ишни нимадан бошлашим ва бунинг учун нима қилишим керак бўлади? Бунинг учун қандай ҳужжатлар йиғишим ва кимга мурожаат қилишим кераклигини айтсангиз.**

Хурмат билан Екатерина.



**Паспортимда отамнинг исмини қандай қилиб ўзгартирим мумкин?**

А.Тўраҳўжаев.



**Қонун ҳужжатларида исмларга нисбатан бирор-бир талаблар назарда тутилганми?**

К.Карасев.

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ВА ҚАЧОН?

Фуқаролик кодекси (ФК) 19-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади.

Болага исм туғилган захоти ота-она томонидан уларнинг келишуви билан берилади. **Қонун ҳужжатларида исмларга нисбатан бирор-бир талаблар ва чеклашлар назарда тутилмаган.** Болаларга, масалан, Анна-Мария, Гулираёно, Мирзоулугбек, Султонмурод сингари қўшалок исмлар беришга йўл қўйилади. Болага ота ёки онанинг фамилияси ўзаро келишган ҳолда берилади, шунингдек у отаси ёки бобосининг исмидан ҳосил қилиниши мумкин. Болага ота исми унинг отаси исми бўйича берилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ исм, фамилия ва отанинг исми ўзгартрилиши мумкин. Оила кодексининг 70-моддасига кўра, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола 16 ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартришга, шунингдек унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартришга ҳақлидир. 10 ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Уларни мустақил равишда 16 ёшдан ўзгартриш мумкин. Ана шу ёшдан **ота исмини ҳам ўзгартирса бўлади.** У отанинг исмига қараб берилиши боис, **агар ота ўзининг исмини ўзгартирса ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ота исми белгиланган бўлсагина,** уни ўзгартриш мумкин.

Исм ҳар қандай бошқа исм билан алмаштирилиши мумкин. Фамилия эса ота-она-

нинг иккинчиси фамилиясига ёки ота ёхуд бобонинг исмидан ясалган фамилияга ўзгартрилиши мумкин.

## ҚАЕРГА ВА НИМА БИЛАН?

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг<sup>1</sup> 166-бандига кўра, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартриш тўғрисидаги ариза яшаш жойидаги ФХДЁ органида ариза берувчи 16 ёшга тўлгандан кейин қараб чиқилади. Агар 16 ёшга тўлган шахс паспорт ёки унинг ўрнини босадиган, шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни олишига қадар уларни ўзгартриш тўғрисида ариза топширса, аризага туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг нусхаси (уни туғилганлик гувоҳномасини берган ФХДЁ органидан олиш керак) илова қилинади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартриш тўғрисидаги аризалар қуйидаги ҳолларда қўриб чиқилади:

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг (янги таҳрири 1995 йил 21 декабрдаги 167-1-сон Қонун билан тасдиқланган) 15-моддасига мувофиқ, унга кўра Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исмлари, ота исмлари ва фамилияларини миллий-тарихий аъёналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгалар;

агар фамилия, исм ва ота исми кулоққа ёқмайдиган бўлса;

агар у шахсинг миллатига мувофиқ бўлмаса;

хоҳишга кўра никоҳлангандан олдинги фамилияга қайтганда (никоҳда бўлган вақтда ва никоҳ бекор қилингандан кейин);

оила учун умумий фамилияни танлаш хоҳиши юзага келганда (агар никоҳланган пайтда эр-хотин умумий фамилияни қабул қилмаган бўлса);

бошқа асослар бўйича, агар ФХДЁ органи уларни узрли деб эътироф этса.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартриш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) ариза берувчининг туғилганлик гувоҳномаси;

б) агар аризачи никоҳда бўлса, никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома, агар ажралган бўлса – никоҳнинг бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома;

в) агар ариза берувчи вояга етмаган болаларга эга бўлса, уларнинг туғилганлик гувоҳномалари;

г) паспортдан ёки ариза берувчининг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатдан кўчирма;

д) агар ариза берувчи вояга етмаган бўлса ёки суднинг қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, ота-она ёки васий ёхуд ҳомийнинг аризаси;

е) 1 фотосурат (3 x 4 ўлчамли).

Ҳужжатлар ёзувига ўзгартришлар киритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар йўқолган тақдирда фамилия, исм, ота исмини ўзгартриш фақат улар тиклангандан кейингина амалга оширилади.

ФХДЁ бўлимнинг мудирини тўпланган ҳужжатларни йиғмажилдга тикади ва уларни тегишли текширувдан ўтказиш учун ички ишлар бўлимига юборади. ИИБ уларни 30 кун мобайнида ўрганади, аризачининг фамилияси, исми, ота исмини ўзгартриш тўғрисида асосланган хулосани тузади ва уни ФХДЁ органига тақдим этади. Уни олгач, ФХДЁ органи фамилия, исм, ота исмини ўзгартриш ёки уни ўзгартришни рад этиш тўғрисида ўзининг асосланган хулосасини тузади. Агар хулоса ижобий бўлса, туғилиш, никоҳни тузиш ёки бекор қилиш, болаларнинг туғилиши тўғрисидаги ҳужжат ёзувига тегишли ўзгартришлар киритилади ва янги ҳужжатлар берилади.

Биргаликда қонуний никоҳда бўлган эр-хотиндан бирининг фамилияси ўзгариши улар иккинчисининг фамилиясини ўзгартриш учун сабаб бўлмайди. Бироқ ота-она икковининг фамилияси ўзгариши 16 ёшга тўлмаган болаларнинг фамилияси ўзгаришига олиб келади.

Ота исмини ўзгартриш фақат вояга етмаган болалар ота исмининг ўзгаришига олиб келади. Вояга етган болаларнинг ота исми эса фақат уларнинг аризаси бўйича ўзгартрилиши мумкин.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишнинг умумий муддати 45 кунни ташкил қилади. Ушбу маълумотларни ўзгартриш учун 16-18 ёшдаги фуқаролардан ЭКИХнинг 50%, 18 ёшдан ошган шахслардан ЭКИХнинг 100% микдорида давлат божи ундирилади<sup>2</sup>.

## ОТА ЁКИ ОНАГА ҚАРАБМИ?

Биринчи марта фуқаронинг паспортда туғилганлик гувоҳномасида кўрсатилган унинг ота-онаси миллатига мувофиқ келадиган миллат кўрсатилади. Агар ота-она турли миллатга мансуб бўлса, паспорт бериш чоғида унда биринчи марта оловчининг хоҳишига қараб ота ёки онанинг миллати ёзилади. Кейинчалик фуқаронинг ёзма аризасига асосланиб, ушбу ёзув ота-онанинг иккинчиси миллатига ўзгартрилиши мумкин, бироқ бу бир марта қилинади. Миллатни ўзгартриш тўғрисидаги ариза яшаш жойидаги ички ишлар бўлимига топширилади.

## ИСМИНГИЗ ЎЗГАРДИМИ – ПАСПОРТНИ АЛМАШТИРИНГ

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида низомга<sup>3</sup> кўра, фамилия, исм, ота исми, миллат ўзгартрилганда паспорт алмаштирилиши керак. Бунинг учун яшаш жойидаги ички ишлар органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ИИБ ёки ТИБ томонидан белгиланган шаклда ариза;

туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (паспорт биринчи марта олинганда);

илгари олинган паспорт;

35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат

Шунингдек исм, фамилия, ота исми ва миллатни ўзгартриш ҳолатини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин. Фуқаро паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатлар ва фотосуратларни ҳужжат ёзувидаги маълумотлар ўзгартirilгандан кейин бир ойдан кечиктирмай тақдим этиши керак. Янги маълумотлар қайд этилган паспорт берилганлиги учун ЭКИХнинг 30%га тенг бўлган давлат божи ундирилади<sup>4</sup>.

Агар фуқаро, масалан, ота исми ва миллатини ўзгартришни хоҳласа, паспортни икки марта алмаштирмаслик учун, бундай ўзгартриш вақти ва муддатини олдиндан режалаштирилиши ҳамда ФХДЁ органи ва ички ишлар органида келишиб олиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2009 йил 23 июндаги ПФ-4117-сон) билан 2011 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда эгасининг биометрик маълумотлари қайд этилган паспортлар жорий қилинади. Эски паспортларни янгиларига алмаштириш учун икки босқич белгиланган. **Биринчи босқичда (2011 йил)** – республика вазириликлари, идоралари ва муассасаларининг хизматчилари, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахслар, шунингдек муайян ёшга тўлган ёки қонунда назарда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга хизмат кўрсатилади. **Иккинчи босқичда (2012–2015 йиллар)** қолган барча фуқароларнинг паспортлари алмаштирилади. Шу муносабат билан исм, фамилия ёки ота исмини ўзгартришни янги намунадаги паспорт олинишига боғлаш мумкин.

Фуқаронинг ўз исмини ўзгартриши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартриш учун асос бўлмайди (ФКнинг 19-моддаси). Бундан ташқари, фуқаро ўз исмини ўзгартирганлиги ҳақида қарздорлари ва кредиторларига хабар бериш учун зарур чораларни кўриши шарт ва у мазкур шахсларда фуқаронинг исми ўзгартрилганлиги ҳақида маълумот йўқлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади.

Бошқа шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди.

Мария ТУХТАРОВА,  
«Norma» МЧЖ юристи.



## ҲАМКАСБЛАРДА

## ЭНГ ҒАЛАТИ ИСМЛАР ЎНЛИГИ

Дунёдаги энг узун исм 1 478 ҳарфдан иборат. У тарихий жойлар номлари, машҳур дипломатлар, илоҳийтчилар, олимлар исмларининг бирга яхлит бириктирилган қаторидан иборат.

**10-ўрин.** Атокли rassom Пабло Пикассо ҳаммага маълум. Бироқ унинг тўлиқ исми ва фамилиясини кўпчилик билмаса керак – Пабло Диего Хозе Франциско де Паула Хуан Непомукено Криспин Криспиано де ла Сантисима Тринидад Руиз и Пикассо. Унинг исм ва фамилиясида жами 93 ҳарф мавжуд.

**9-ўрин.** Гавайи оролларидаги Гонолулу шаҳри мактабларидан бирига маҳаллий ресторанлардан бирининг эгасининг кенжа қизи ўқишга кирди. Унинг исм ва фамилияси 102 ҳарфдан иборат: Напу-Амо-Хала-Она-Она-Анека-Вехи-Вехи-Она-Хивеа-Нена-Вава-Кехо-Онка-Кахе-Хеа-Леке-Еа-Она-Ней-Нана-Ниа-Кеко-Оа-Ога-Ван-Ика-Ванао. Яъни: «Тоғлар ва водийларнинг кўлдан-кўп ажойиб гуллари Гавайини узунаси ва кўндалангига ўзининг муаттар ҳиди билан тўлдира бошлади».

**8-ўринни** 1979 йил Монтана штатида (АҚШ) туғилган мисс С.Эллен Жоржиане Сер-Леккеннинг исми эгаллади. Дастлабки С ҳарфи «атиғи» 598 ҳарфдан иборат бўлган исмининг бошланishi.

**7-ўрин.** Лоризэрик – «Ленин, Октябрь Революцияси, Индустриалаштириш, Электрлаштириш, Радиолаштириш ва Коммунизм»; Урюрвкос – «Ура, Юра космосда!»; Кукуцаполь – «Кукуруза – қарица полей» («Маккажўхори – далалар маликаси»); Лагшмишара – «Лагер Шмидта в Арктике («Арктикадаги Шмидт лагери»).

**6-ўрин.** 1998 йил Харьковда туғилган Малика Диана исми киз ва Гамлет деб аталган ўғил бола.

**5-ўрин.** Ҳиндистоннинг Орисса штатидаги Кандхмал туманида яшовчи икки кишининг исми – Икки килограмм гуруч ва Кумуш доллар. Ҳиндистоннинг ушбу гўшаси ота-оналар ўз фарзандлари учун ўйлаб топадиган энг ғайриоддий исмлар бўйича биринчи ўринда туради. Икки килограмм гуруч – давлат ҳадясида эс-далиқ: ҳар бир туғилган бола учун маъмурларнинг қарорига кўра айна шунча гуруч берилган.

**4-ўрин.** Кандхмал қишлоқларидан бирида Мен картошкани ёқтираман деган исми йигит бор.


**3-ўрин.** Рухшунос Жон Трейн баъзи америкаликлар азият чекадиган энг нолойиқ исмлар китобини тайёрлади. Масалан, Янги Орлеанда яшовчи Май оиласи ўз қизлари учун Му, Ву, Гу исмларини танлаган.

**2-ўрин.** Чикаголик Жексонлар оиласи ўзларининг беш нафар қизларига Менингит, Ларингит, Аппендицит, Перитонит, Тонзиллит деб исм қўйган.

**1-ўрин.** Францияда оддий фамилиядан маҳрум бўлган оила яшаган. Фамилия ўрнига у 1792 рақамини «олган». Тўрт ўғил эса ой номлари билан аталган. Паспорт ва бошқа ҳужжатларда улар шундай қайд этилган: Январь 1792, Февраль 1792, Март 1792 ва Апрель 1792. Ушбу ғаройиб оиланинг охири вакили – «жаноб Март 1792» – 1904 йил сентябрида вафот этган.

Интернет тармоғи материалларидан.





# TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!


«Норма маслаҳатчи» N 6 (291)

2011 йил 15 февраль

МДХдаги ЭНГ йирик ишлаб чиқарувчилардан бири



**АНДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА  
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

«GROTEKS» ҚҚ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

**ОФСЕТ  
ҚОҒОЗИ**

Бичими – **70, 80, 120 г/м<sup>2</sup>**  
рулонларда 84 см «НЕМАН» ЦБК (Россия)

Тел./факс: **766 34 24, 244 25 26, 244 11 60**

E-mail: groteks@list.ru

H2601

006-11

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

**«ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ**

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

**НАСОСЛАР**

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги  
дренаж учун ГНОМ туридаги  
К туридаги, Консоль

ВК туридаги, Вихрли  
ЦМК туридаги фекаль  
«Андижанец» насоси

189-10

«КАСКАД» ҚЎЗ Товар сертификатланган  
ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

Огоҳ бўлинг!

## ЭНГИН ЧИҚМАЙДИ, ДЕМАНГ

Аҳоли тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар жараёнида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари мамлакатимизнинг аҳоли турар-жойлари, ижтимоий-иқтисодий объектларида ёнгин туфайли келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, юрдошларимизнинг бу борадаги масъулияти ва хушёрлиги-



ни янада кучайтиришга қаратилгандир. Айниқса, сўнгги йилларда пойтахтимизда олиб борилаётган кенг бунёдкорлик ишлари, қурилиш, ободонлаштириш жараёнларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш долзарб масалага айланиб бораётир.

Статистиканинг кўрсатишича, қурилиш майдонларида содир бўлаётган ёнгинларга кўпинча махсус ажратилмаган жойларда чекиш; ёнувчи чиқиндиларни вақтида бартараф этмаслик; қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланиш; очиқ оловни ёқиқ қолдириш; кислород баллонлар, бўёқлар, карбид, тахта материалларини бир жойда сақлаш; электр-газ пайвандлаш ишларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик; қурилиш ҳовлисида ёш болалар ўйнаб юришига бефарқ қараш сингари омиллар сабаб бўлаётир.

Якка тартибдаги уй-жой қурилишларида ҳам ёнгин ҳодисалари тез-тез учраб туради. Бунга асосан қурилиш ишларига махсус малакага эга бўлмаган шахсларни жалб этиш, қурувчилар яшайдиган жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ҳоллари сабаб бўлаётир. Одатда, бундай объектларда ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари мавжуд бўлмади, «кўчадан келган» қурувчилар фавқулудда ҳолларда қандай йўл тутиш кераклигини билмайдилар. Баъзида ёнгин хавфсизлиги хизматига зудлик билан мурожаат қилинмайди.

Қурилиш объектларида олов офатини бартараф этиш



борасида ҳам муаммолар туғилиб туради: ёнгин ўчириш машиналари кириб келиш йўлаклари металл уюмлари, темир-бетон плиталари, ёғоч-тахта билан тўсиб қўйилган бўлади.

Баъзида эса қурилиш ишлари якунланганидан сўнг уйларнинг олд томонига уй рақамларини илиб қўйишни унутиб қўядиларки, бу ҳам ёнгин ўчирувчиларнинг оператив ҳаракат қилишига монелик қилади.

Маҳаллаларда содир бўладиган ёнгинлар кўшни хонадонларга ўтиб кетиш хавфи борлиги билан ҳам аянчлидир. Шунинг учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишда маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу билан ўз ҳаётимизни, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнгин офатидан асраб қолган бўлаемиз.

**Н. ҲАЙДАРОВ,**  
Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ инспектори,  
катта лейтенант.

Хорижий тажриба

## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ХАБАРДОР ҚИЛАМИЗ

2011 йил 1 январдан бошлаб россияликлар тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга оширишни бошлаш тўғрисидаги хабарномани соддалаштирган тартибда ва телекоммуникация алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари мумкин.

Ўзгартишлар татбиқ этиладиган ишлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати 2009 йил июлдаёқ қабул қилинган ҳукумат қароридан келтирилган. Ҳозир ушбу меъёр 20 фаолият турига тааллуқлидир. Бунга чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший хизматлар кўрсатиш, тиббий фаолият, транспорт хизматлари киради. Рўйхат кичик ва ўрта тадбиркорлик бозорининг 75%ини қамраб олади.

Интернет орқали фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш имкониятидан фойдаланиш учун тадбиркор ҳужжатларни қайси идорага тақдим этиш зарурлигини белгилаб олиши лозим. Булар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон фаровонлиги соҳасини назорат қилиш федерал хизмати, Федерал тиббий-биологик агентлик ёки Транспорт соҳасини назорат қилиш федерал хизмати бўлиши мумкин. Тегишли органга хабарнома фаолият бошланишига қадар жўнатилади.

### ҚЎШИМЧА АФЗАЛЛИКЛАР

Тадбиркорларнинг айрим фаолият турларини амалга ошириши чоғида ҳисобга қўйишни енгиллаштириш ҳужжатларни электрон кўринишда жўнатиш имконияти билангина чекланмайди. Маълумотларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тартиби фаолиятни бошлаш тўғрисидаги хабарномани қай усулда жўнатишидан қатъи назар барчанинг юқини енгил қилади. Илгари ариза чининг зиммасига юкланган баъзи бир мажбуриятларни энди давлат органлари ўз зиммаларига оладилар. Чунончи, бундан буён ҳужжатга юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг ягона давлат реестрларидан кўчирма нусхаларни илова қилишга зарурат қолмади. Янги қоидалар бўйича мажбурий ҳужжатлар сирасида юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳно-

манинг нусхаси қайд этилмаган, демак уни олиш учун инспекцияда навбат кутишга ҳолат йўқ.

### РАҚАМЛИ ИМЗОНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Телекоммуникация алоқа каналлари орқали хабарномалар жўнатишда асосан уларни электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқлаш зарурлиги қийинчилик туғдиради. Унинг қиймати ҳар бир минтақада ва ЭРИ эгаси ҳужжатлар тақдим этмоқчи бўлган органда турлича. Ўрта ҳисобда файлларнинг криптографик ҳимояси 3-7 минг рублга тушади. Рақамли имзодан фойдаланиш чоғида электрон ҳужжатлар кенг тарқалганлигига қарамай, бизнесмен ундан ҳисоботни, мисол учун, солиқ органига жўнатиш учун фойдалана олмаслиги қийинчилик туғдиради, чунки ҳар бир идора учун алоҳида ЭРИ талаб қилинади\*.

Дарвоқе, агар тадбиркор юридик шахснинг жойлашган жойини (якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойини) ёки ташкилот фаолият юритадиган (ёки қайта ташкил қилиш чоғида) жойни ўзгартирганда имзодан фойдаланиш имконияти юзага келади. Бундай ва-

зиятда ҳам бизнесмен давлат органларига келмай, телекоммуникация алоқа каналлари орқали компания ишидаги ўзгаришлар тўғрисида илгари олинган ЭРИ билан тасдиқланган ахборотни жўнатиши мумкин.

Янги механизм қандай афзалликларга эга? Биринчидан, электрон имзо сертификатини берадиган марказнинг офисига бир марта бориш етарли. Қолган барча ҳаракатларни бизнесмен иш жойидан кетмасдан, яъни навбат кутмай, кабинетма-кабинет юришга вақт кетказмай амалга ошириши мумкин. Иккинчидан, Интернет маълумот айирбошлашни жадаллаштиради. Хабарномани толшириш санаси файлни жўнатиш куни ҳисобланади, чунки у давлат органига келиб тушгач, бир сутка мобайнида рўйхатдан ўтказилиши керак. Бундан ташқари, ҳужжатларни почта орқали жўнатишдан фарқи равишда электрон ҳужжат йўқолиб қолмайди. Хат етказилганлиги тўғрисида ваколатли шахснинг ЭРИси билан шифрланган идоранинг махсус хабарлари маълум қилади. Агар у олинганлиги тўғрисида ахборот келиб тушмаса, имзодан фойдаланувчи махсус операторга мурожаат қилиши мумкин, у Тармоқ бўйича файллар ўтишини таъминлайди. Ҳар қандай ҳолда йўқолиб қолган электрон ҳужжатни излаш, йўқолиш сабабларини аниқлаш ва ҳатто хабарномани такроран жўнатиш ҳужжатларни қоғоз шаклида топширишдан анча кам вақт олади.

Хорижий матбуот материалларидан.

\*Ўзбекистон қонунчилигида турли органларга жўнатиладиган электрон ҳужжатларни турли ЭРИлар билан тасдиқлаш назарда тутилмаган.



**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия  
ЎЗР АВНИНГ 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

**Аудиторлик текширувлари ҳамда МҲХС ва БҲМС бўйича малакали хизматлар**

**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

САР ва СІРА сертификатларига эга аудиторлар керак

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

**“Аудит-ВАРН” МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС БҮЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

128-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099, уяли: +998971192248  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42  
Тошкент вил., тел. +998974541664

## Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 10-1115/1228-сонли ажримига асосан Сергели туманидаги “I JOD TEXNO INVEST” МЧЖ бўйича кузатув эълон қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Ахмурзаева тайинланган. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4/1-хона.

Тел.: 257-85-93, 257-74-51.

\*\*\*

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 1 февралдаги ҳал қилув қарорларига асосан Сергели туманидаги банкрот деб эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
“NIKOM VEST” МЧЖ	10-1121/227(19)
“KOLIZEY KVADRAT PLUS” МЧЖ	10-1121/228(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Эшназаров тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хона.

Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

\*\*\*

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 4 февралдаги ажримларига асосан Шайхонтохур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Ажрим рақами
“Best Servis Food” МЧЖ	10-1107/1586
“Antaris Biznes” МЧЖ	10-1107/1588
“Golden River Travel” МЧЖ	10-1107/1587

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 17 февраль куни соат 15.30 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 18 февраль куни соат 12.00 да Шайхонтохур туман ДСИ биносининг 307-хонасида сайёр очик суд мажлисида кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Тел. 241-30-86.

\*\*\*

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 10-1115/1229-сонли ажримига асосан Сергели туманидаги “BONUS KLASS SERVIS” МЧЖ бўйича банкротликнинг кузатув таомили эълон қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Эшназаров тайинланган. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хонага мурожаат этишлари мумкин.

Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<b>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</b>			
Юридик хизмат кўрсатиш*. Тел. (+99897) 330-45-71.			
Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*. Тел. (+99897) 100-47-33.			
«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.			
Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш. Адвокат Шуман Неля Сергеевна*. Тел./факс: 242-33-52; 341-03-50 (уяли).			
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.			
<b>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</b>			
Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60.			
<b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b>			
Аудиторлик ва бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 185-48-30.			
Аудиторлик хизматлари. Арзон*. Тел. 176-23-13.			
«SHARQIY MASLAK» аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви, профессионал хизматларни таклиф этади. Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнида қатнашади. Тел./факс: 250-37-75. Уяли: 733-17-29.			
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</b>			
Тиклаш. Юритиш. Тел. 100-65-80.			
<b>ХИЗМАТЛАР</b>			
Ташкилий техника, компьютерлар, ноутбуклар, мониторлар, принтерларни таъмирлаш. Тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.			
Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+99897) 450-03-24 Светлана. (+99897) 158-46-10 Сергей.			
Видео-, фотосуратга олиш*. Тел. (+99897) 709-20-17.			
*Хизматлар лицензияланган.			

## Хорижда

## ҚОНУН ИЗМИ ВА МАНТИҚ КУЧИ

**Қонуни бўлмаган давлат давлат эмас, балки ибтидоий жамоага хос чалкашлик ва бошбош-доқликлар уясиدير. Аслида ибтидоий жамоада ҳам ўзига яраша қонунлар бўлган. Қизиги шундаки, ҳамма қонунлар ҳам оддий мантиққа бўйсунвермайди. Ҳамонки, қонун қабул қилинган экан, унга риоя этиш ҳаммининг бурчи ва мажбуриятидир. Зотан қонунни билмаслик жавобгарликдан озод этишга асос бўлмайди.**

● Жаҳонда умуман ғалати, тушуниш қийин қонунлар оз эмас. Венецияда, масалан, каптарларга дон сепиш, уларни боқиш тақиқланади. Бу қонун эски биноларни асраш учун қабул қилинган бўлиб, ана шу парранда боканлик учун жарима 600 АҚШ долларига бориши мумкин, жойнинг ўзида жарима тўлайдиган бўлсангиз қилинган «гуноҳ» 60 долларга тушади.

● Таиландда пулни босиш, оёқ ости қилиш ман этилган. Гап шундаки, барча купюра ва тангаларда қирол тасвири бор. Унинг тасвирини босиб олиш эса тахт эгасига ҳурматсизлик, уни таҳқирлаш бўлиб, бунинг учун турма қамоғи жазоси берилади.

● Британияликлар Англия парламентида вафот этишни, шунингдек парламентга яроғ-аслаҳа билан киришни тақиқловчи қонунларни энг тутуруқсиз қонунлар деб ҳисоблайдилар. Тахт эгаси тасвири туширилган маркани хатжилдга тескари қилиб ёпиштириш давлатга хиёнат деб ҳисобланадиган қонун ҳам булардан қолишмайди.

● «Антиқа» қонунлар ва жарималар бобида Америка ҳам орқада қолмайдиган кўрилади. Чунончи, Флорида штатидаги Пенсакола шаҳрида одамларга ёнларида камида 10 доллар олиб юриш шартлиги белгилаб қўйилган. Род-Айланд штатининг Провиденс шаҳрида дўкдорларга яқшанба куни бир марта тиш чўткаси ва па-стаси олган одамга шундай нарсаларни иккинчи дафъа сотиш тақиқланади. Иллинойс штатидаги Гейлсбург шаҳрида каламушларни бейсбол таёғи билан уриш тақиқланади – бунинг учун 1 000 доллар миқдоридан жарима солиниши мумкин. Аризона штатида туя овлаш тақиқланган бўлиб, бундай шикор учун йирик жарима солинади. Бу штатда кактусларни кесиш-қирқиш оғир жиноят саналади: қонунбузарлар 20 йилга қадар муддатга турма қамоғига ҳукм қилиниши мумкин. Нью-Йорк штатида кўчада кўзни лўқ қилиб аёлга тикилганлик учун 25 доллар жарима солинади. Нью-Жерси штатидаги Нью-Арк шаҳрида кечқурун соат 6 дан кейин музқаймоқ сотиш

жиноят ҳисобланади (харидорда шифокор ёзиб берган рухсатнома-маълумотнома бўлиши бундан мустасно). Гавайи оролларида кулоқ тешигига танга қўйиб юриш ман этилган. Лос-Анжелесда бир п-тнинг ўзида битта ваннада бир йўла иккита бола-ни чўмилтиришга рухсат берилмайди, шунингдек судда гувоҳлик кўрсатувлари бераётганда йиғлашга ижозат этилмайди. Калифорния штатининг Блит шаҳрида шаҳар маъмурларининг фармойишига муво-фиқ ковбой бошмоқлари киймоқчи бўлган ҳар қандай одам камида иккита сигир эгаси бўлиши шарт.

● Кирьят-Моцкин шаҳрида (Исроил) дам олиш кунлари ўта ёруғ чироқ ёқиш ва баланд овозда гап-лашиш тақиқланган.


● Австралияда махсус карта ёрдамида фол очиш ман этилган, чунки буни жодугарлик деб билишади. Ушбу мам-лакатнинг Викториа штатида қуйиб қолган лампочкани фақат сертификати бўлган электрчи алмаштириши мумкин. Бу қоидага риоя этмаганларга 10 фунт жарима солинади.

● Данияда тақиқланган беҳаё кино ва телефильмлар, дастурлар тарқатув-чилари жатига эндиликда файлларни шифрлаш, шифрли дастурларни ёзиш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатиш қонундан ташқари деб эълон қилинди.

● Ирландияда ўзини сеҳргар деб кўрсатаётган ёки сеҳр-амал ва жодугарлик билан шуғулланаётган ҳар қандай шахсни бир йилни қамоқда ўтказиш жазоси кутади.

● Квебек вилоятида (Канада) ҳамма лавҳа ва пеш-лавҳалар французча ёзилиши лозим. Борди-ю, фирма эгаси пешлавҳада инглиз тилида ҳам ёзув бўлишини истаса, ёзувдаги инглизча ҳарфлар французча ҳар-флардан икки баравар кичик бўлиши лозим.

● Хитойдаги ҳарбий билим юртлари эшиклари бундан буён хуррак отувчилар учун батамом ёпил-ди. Негаки, «доим хуррак отадиганлар бошқа кур-сантларнинг нормал ҳаётини фаолиятини бузиши мум-кин ва бу ҳол уларнинг ҳарбий тайёргарлигига ёмон таъсир қилади».



Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**

ХУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД КУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.  
Тахририят огоҳлантирадими, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас.  
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
“Norma маслаҳатчи”да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диалогитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ  
босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 188 Буюртма 913 Адади 5340. Баҳоси келишилган нарҳда  
Газета 2011 йил 11 февралда соат 18.00 да топширилади.  
ISSN 2010-5223